Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. | № 79 (6. 568) | 1988 йил 6 апрель, чоршанба | Баҳоси 3 тийин

Янгиланиш йўлидан

XIX

## ШАРТНОМАЛАР БАЖАРИЛЯПТИ

✦ Яқин вақтларгача ҳам буюртмаларни ўз вақтида етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажара олмай келаётган корхоналар сони Чилонзор районида оз эмас эди. Аммо шу йилнинг дастлабки икки ойи натижалари бунинг аксини кўрсатди: мавжуд 14 та корхонадан 9 тасида ана шундай шартномалар тузилган эди, шуниси қувонарлики, уларнинг ҳаммаси шартнома мажбуриятларини бажаришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли уддаладилар.

Район партия комитетининг саноат-транспорт бўлимидан редакцияга хабар қилишларича, шартнома мажбуриятлари бажарилишини ҳеч сўзсиз таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган қатор тадбирлар бунга ёрдам беряпти.

✦ Масалан, биргина 2-пойабзал фабрикасида қандай тадбирлар амалга оширилганини таъкидламоқчимиз. Биринчидан, корхона хўжалик юритишнинг янгича усулига ўтди, иккинчидан иш унумини оширишга эътибор кучайтирилди. Учинчидан, шу йилдан янги тариф системасига ўтила бошланди. Қолаверса, цехлар, бўлимлар ўртасида ўзаро шартнома мажбуриятлари қабул қилиш йўлга қўйилгани ҳам иш унуми ва сифатига ижобий таъсир қиляпти. Натижада «Янгилик» индекси қўйилган буюмлар миқдори ошяпти. Бу йил ишлаб чиқариладиган моделларнинг ярмини «Янгилик» индекси ва шартнома бўйича нархларда тайёрлаш кўзда тутилган.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1988 йил 5 апрелда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг X пленуми бўлди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «КПСС Марказий Комитети февраль (1988 йил) Пленуми якунлари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Олмалиқдаги 15-мактаб ўқитувчиси Н. Г. Блинова, Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. О. Дадабоев, область соғлиқни сақлаш бўлими мудири М. Ф. Бекнозова, Тошкент электротехника ва алоқа институти ректори Ж. А. Абдуллаев, Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз сут соғувчиси М. Т. Норматова, Янгиобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Г. Носков, область Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи Р. Р. Саитбоев, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Асқад Мухтор, КПСС Марказий Комитети Фан ва ўқув юртлари бўлими инструктори А. Т. Хлопьев, Бўка районидаги «Кремль» совхози бригада бошлиғи У. С. Букурова сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. С. Р. Тўлаев Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланганлиги муносабати билан область партия комитети экономика бўлими мудири вазифасидан озод қилинди. В. А. Котов область партия комитети экономика бўлими мудири этиб тасдиқланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов иштирок этди.

ЗАМОНДОШИМИЗ



## Касбга муҳаббат

«Ҳам мусобақа илғори, ҳам ёшлар мураббийси, ҳам ўз ишининг жонкуяри». Замира ҳақида гап кетганида кўпчилик Тошкент ўйинчоқлар фабрикасидаги ҳамкасблари у ҳақда шундай фикрни билдиришади.

Замира Бухорбоеванинг коллективда иш бошлаганига ўн йилдан ошиб кетди. Ўтган йиллар мобайнида касбга муҳаббати, ўз ишига ҳурмати туфайли обрў-эътибор топди, кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлди.

— Ҳамма қизалоқлар сингари биз ҳам қўғирчоқ ўйнардик. У вақтлари ҳозиргидай чиройли, кўркам қўғирчоқлар етишмасди, — деб ҳикоя қилади Замира опа, — ўзимиз ҳар хил латта-путталардан ясар эдик. Ниятим ўшанда туғилган: қўғирчоқлар кўп бўлса, ҳамма болалар маза қилиб ўйнашса.

**— 111 ва 224-ўрта мактаблардан ўқувчилар ҳузурингизга тез-тез келиб туришар экан. Ишингизга халақит бермайдими?**

— Аксинча, мен уларга ўргатиш баҳонасида ўзим ҳам улардан кўп нарса ўрганиб оламан. Шаҳримизда йилига 44 мингга яқин кичкинтой дунёга келади. Шуларга мос, ҳар хил қўғирчоқлар тайёрлашда болалар ўз фикрларини билдиришади. Болаларга бола олами ошно. Шунинг учун бўлса керак савдо пештахталарида бизнинг маҳсулотларимиз туриб қолаётгани йўқ.

**— Ҳаётингизда ҳаяжонли дақиқалар бўлганми?**

— Ҳа, бўлган. Ғалабамизнинг 40 йиллиги арафасида «Огонёк» журналида бир мақола чиққан эди. Унда 6 ёшли Оля Знейгина фронт бош қўмондонига ва тенгдошларига мурожаат қилганди: «Менда иккита қўғирчоқ бор. Мен уларни жуда яхши кўраман. Ўртоқ Бош Қўмондон, мен ва ўртоқларим ўз қўғирчоқларимизни сотиб, пулини сизларга самолёт олиш учун юборамиз. Немисларни тезроқ ҳайдангизлар. Уйимни соғиндим...»

...1943 йил болалар счёти очилиб, тушган пулга битта танк ясашади. Бу танк қўғирчоқлар пулига келгани учун унга «Малютка» номи берилади. «Малютка» эса ғалабани Берлинда қаршилайди. Ҳозир бу танк музей мулки сифатида сақланмоқда.

Мен бу сатрларни ўқиганимда жуда ҳаяжонга тушганман, уруш ўчоғини очувчиларга эса нафратим ниҳоятда ошиб кетган. Қаранг, қўғирчоқлар ҳам жангда иштирок этган-а!

**— Яна битта савол: эзгу ният, мурод муддаоингиз нима?**

— Дунё қўғирчоқларга тўлса, Қўғирчоқлар байрами ҳаммага шодлик улашаверсин.

**Д. ОБЛАЕВ.**

СУРАТДА: Замира Бухорбоева.

Т. Каримов фотоси.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

## Янги уйсозлик заводи

**Тошкентда ишга туширилган янги йирик панелли уйсозлик заводининг лойиҳасидаги қуввати йилига 3 минг квартирадан ошиб, 160 минг квадрат метрга боради.**

Сергели райони чеккасида қад кўтарган ишлаб чиқариш комплекси замонавий машина-ускуналар билан жиҳозланган. Комплекс тўққиз ёки 12 қаватли, квартиралари яхшилаб планлаштирилган 148-П туркум уйлар тайёрлаб чиқаради.

Янги қурилишнинг бош пудратчилари — 8-трестнинг 36-бошқармасидир. Янги уйсозлик корхонасини жиҳозлашда республиканинг йирик машинасозлик заводлари қатнашди. Масалан, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси лифт шахталари ва санузел блокларини тайёрлаш учун янги хил айланма технология машиналарини ясаб берди. Белоруссиянинг «Стройиндустрия» конструкторлик бюроси ишлаб чиққан бу техника республикада илк бор ишлатилди. Карусель айланма технология аввалги технологияга нисбатан анча самаралидир. Унга бир ярим баравар камроқ саҳн кифоя қилади, ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги қарийб 2 баравар ортади. Хизмат ходимлари сони ҳам икки баравар камайди. «Таштекстильмаш» заводи янги уйсозлик корхонасига ностандарт машина-ускуналар етказиб берди. Тошкент кабелчилари ҳам кўмаклашдилар — ўнлаб километр контроль кабеллар бердилар.

Янги завод шаҳарни уй-жой билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади. Шаҳарда 70 мингга яқин оила квартира олишга навбат кутмоқда.

Энди Ўзбекистон пойтахтида уйсозлик корхоналари сони бешта бўлди. Учта уйсозлик комбинати, ҳажмли-блокли ва йирик панелли уйсозлик тажриба заводлари ишлаб турибди. Бу корхоналар бир йилда жами 1 миллион 20 минг квадрат метр уй-жой тайёрлайди.

**Б. ҲАСАНОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

16 апрелда коммунистик шанбалик ўтказилади

## Ташаббус изидан

Москвадаги илғор коллективларнинг 16 апрелда В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллиги муносабати билан коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусларини Октябрь район маорифчилари ҳам қизғин қўллаб-қувватлашди.

Маорифчилар йиғилишиб шанба куни ва ундан олдин ўтказиладиган ишларнинг қатъий планларини белгилаб олдилар. Шу куни район ўқувчиларидан 33 минг нафари қатнашади. 1700 туп турли мевали дарахтлар ўтқазилади. Мактаб майдони ва теварак-атрофдаги ер тозаланади. 18141 погон метр ариқ тозаланади. 6 минг туп мавсумий гул кўчатлари ўтқазилади.

Мактабларaро ишлаб чиқариш комбинатида ёшлар билан шуғулланиб, 250 сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз беришган. 16 апрель—шанбалик куни бажариладиган ишлардан ташқари 19 март куни ҳам оммавий ҳашар ташкил қилинади. Шанбаликда кўпгина ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилади. Ҳозирги кунда шанбаликолди ишларини 13, 41, 92, 102, 132, 157, 262, 254-мактабларнинг коллективлари қизғин олиб боришяпти.

**С. СУЛТОНОВ.**

## Студентлар шай

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг студентлари ҳамда муаллимлари «Қизил шанбалик» куни ўз оталиқларидаги корхоналар — 8-автобус парки билан 2505-автоколоннада ишлайдилар. Улар техникани ремонт қилишда, халқ хўжалик юкларини ташишда транспортчиларга ёрдам берадилар.

Олий мактаб «Узбексельмаш» цехларида ва Тошкент Киров районидаги бошқа саноат корхоналарида ҳам шанбалик ўтказади. Шу куни институтнинг янги ўқув корпуси битказилиб топширишга тайёрланаётган Лохутий кўчасидаги қурилиш майдонида ҳам анча ишлар қилинади.

Институтнинг студентлари ва муаллимлари Октябрь инқилоби хиёбонини, М. П. Кафанов номидаги паркни ободонлаштириш, Киров районидаги кўчаларни кўкаламзорлаштиришда ҳам қатнашадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Ишончли мулоқот

33-57-02
32-55-35

## «Алло... Истагингизни эшитамиз...»

**«Ишончли мулоқот»нинг телефон орқали навбатдаги учрашуви ҳар галгидек қизғин бошланди. Оқшомхонлар газетанинг ўтган ҳафтадаги фаолиятига доир фикр-мулоҳазаларини баён қилиш билан бирга ўзлари яшаётган жойлардаги муаммолар ҳақида ҳам тўлқинланиб гапирдилар.**

**Раҳим Каримов, уруш ва меҳнат ветерани. II группа инвалиди, пенсионер:**

— Мен «Тошкент оқшоми»ни мунтазам кузатиб бораман. Айниқса, ўтган ҳафтада берилган «Оқшомхон истаклари», «Беш йиллик фондига» сарлавҳали материаллар манзур бўлди. Истагим «Шанба оқшоми» саҳифасини янада ранг-баранг қилиб чиқарсангиз. Баъзи бир мулоҳазаларим бор. 1986 йилда 3000 кишилик аҳолиси бўлган «Баҳор» маҳалласи номидан озиқ-овқат магазини кераклиги ҳақида мутасадди ташкилотларга мурожаат қилгандим. Югур-югур билан магазин қуриб бўлинди. Негадир ҳамон ишга тушмаяпти.

**Лола Гултоева, уй бекаси:**

— Газетада дўстлик ҳақида ёритилган саҳифа материаллари жуда маъқул. Истагим аёллар ҳақида ҳам кўпроқ ёзсангиз.

**Раъно Музаффарова, Сергели районидаги 37-поликлиника ҳамшираси:**

— Бизга шанба оқшоми материаллари жуда ёқади. Бунда кўпгина қизиқарли мақолалар босилади. Оиламиз билан космонавт Жонибеков ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги мақолани ўқишни истардик.

**Мурод Ўроқов, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти КПСС тарихи ўқитувчиси:**

— Газетада кейинги пайтда анча ўзгаришлар бўлди. Бу яхши, албатта. Менга «Оқшом» саҳифаларида шаҳар ободончилиги ва қурилишлари ҳақидаги материаллар ёқади. Бир таклиф бор. Газетада 30-йиллар репрессияси даврида қораланган ва ҳозирда оқланган республикамиз вакилларининг яхши намояндалари ҳақида ёзсангиз.

**Обиджон Ғуломов, «ГипроНИИполиграф» институти шофёри:**

— «Оқшом»да суд залидан рубрикаси остида босилган мақолаларни ўқишни истаймиз. Лекин шуни айтиш керакки, газетада баъзан эски рекламалар ҳам такрорланади.

**Олия Ғозиева, 8-прокат пункти ишчиси:**

— Менга «Қабоҳат уяси» сарлавҳали суд очерки жуда маъқул бўлди. Шунга қўшимча «Мушоҳада» иловаси, «Кулгихона»даги мақолалар ўқимишли чиққан. Газетангизда «Уй бекалари учун» деган рубрика очсангиз яхши бўларди.

**Нурия Пўлатова, Тошкент Давлат университети журналистика факультети IV курс студенти:**

— Газетада босилган болалар ҳафталигига бағишланган материаллар жуда маъқул бўлди. Биз таниқли шоирларимизнинг шеърларини ўқишни истаймиз.

**— Зиёд Худоёров, 1-уйсозлик комбинати қурувчиси:**

— Ҳар ҳафтада «Инсон одоби азиз» рубрикаси билан бериладиган материалларни оиламиз билан мутолаа қиламиз. Таклифим: ёш авлодни меҳнатга ўргатиш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялашга оид проблематик материалларни ёритсангиз.

**Баҳодир Мадаминов, «Ўзбекбирлашув»га қарашли ҳисоблаш маркази механиги:**

— Газетанинг ҳар сонини қизиқиш билан ўқиб бораман. Айниқса, одоб-ахлоқ мавзуси газета саҳифасидан муҳим ўрин олади. Бу яхши. Лекин «Оқшом»да чиққан материаллар охирига етказилишини истардик. Ўтган йили газетанинг сайёр редакцияси Октябрь районига қилган сафарига бағишланган махсус сонида боғча қурилиши масаласига бағишланган танқидий материал босилганди. Аммо орадан шунча вақт ўтибдики, Бешёғочда боғча эмас, меҳмонхона зўр бериб қурилмоқда. Буни қандай тушуниш мумкин?

**Эшмамат Чорнев, Сурхондарё область Денов районида истиқомат қилувчи:**

— Менга «Тошкент оқшоми»нинг 2 апрель сонида босилган «Айни муддао бўлади...» мақоласи ёқди. Яна «Оқшом»да партия конференциялари ҳақида ҳикоя қилувчи назарий материаллар яхши беріляпти. Биз ўзбек революционерлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи мақолаларни ҳам ўқишни истардик.

**Муҳиддин Жўраев, Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг илмий ходими:**

— Газета «Бир асар тарихи» рубрикасини очиб хайрли иш қилди. Менга шанба сонидаги «Ўтган кунлар» романи ҳақидаги мақола жуда манзур бўлди. Бу ишни давом эттириш лозим. Лекин кейинги пайтларда «Турфа олам» рубрикаси билан берилаётган материалларда бироз чалкашликларга қўл қўйилмоқда. Менимча, буни бир системага солиш лозим.

**Гулнора Турсунова, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси мотористкаси:**

— «Оқшом»нинг ҳар кунги биринчи саҳифасида «Замондошимиз» рубрикаси бериб борилади. Умуман менга буларнинг ҳаммаси ёқади. Бунинг замирида қаҳрамонларимиз ҳаёти, оиласи атрофлича очиб берилади. Бу яхши, албатта. Истагим — «Оқшом» газетасида санъаткорлар билан ҳам учрашув ўтказилиб турилса.

**Баҳодир Зокиров, 121-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.**

— Мен спорт мухлисиман. Газетанинг 4-саҳифасида босилган «Пахтакор»га омад тилайман» сарлавҳали материални ўқиб бениҳоя хурсанд бўлдим. Севимли командамизнинг бу йилги учрашувлари ҳақида берилган турнир жадвали ҳам ўз вақтида босилган. Спорт ҳақида кўпроқ қизиқарли материалларни ўқишни истайман.

**Оқшомхонлардан Ш. Рихсихўжаева, И. Асадуллаев, Т. Умарова, Т. Тешабоев, А. Алиева, Ш. Худоёрова, М. Сатторов, З. Жабборова, Ш. Ҳасанова, М. Одилова, А. Қаюмов, Р. Валиев, Х. Усмонова ва бошқалар ўтган ҳафта давомида ёритилган материалларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Улар одоб-ахлоқ мавзуида, шаҳримиз муаммолари ҳақида материаллар бериб боришимизни илтимос қилганлар. «Ишончли мулоқот»да қатнашган барча газетхонларга миннатдорчилик билдирамиз.**

**«Ишончли мулоқот» навбатчиси Акмал АКРОМОВ.**

Конкурсга марҳамат

## *Жангчи-интернационалистлар ёдгорлиги қандай бўлиши керак?*

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида 1987 йилдан бошлаб Афғонистонда ўз интернационал бурчини ўтаган жангчи-интернационалистлар ҳақида, уларнинг жасоратини абадийлаштириш мақсадида Тошкентда жангчи-интернационалистлар ёдгорлигини ўрнатиш тўғрисида қатор мақолалар эълон қилинди. Бу мақолалар газетхонларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, шу йилнинг 4 февралида «Келинг, биргаликда муҳокама қиламиз» рубрикаси остида эълон қилинган «Жангчи-интернационалистларга ёдгорлик қаерга ўрнатилиши керак?» мақоласида ана шу ёдгорликни қаерга жойлаштириш вариантлари таклиф этилган эди. Маълумки, бешинчи вариант танланди — ёдгорликни В. И. Ленин номидаги хиёбонда, Марказий универсал магазини ва Ўзбекистон Рассомлар союзининг Кўргазмалар павильони оралиғида ўрнатишга қарор қилинди. Ёдгорлик ўрнатиладиган жой аниқланиши муносабати билан ёдгорликнинг ўзини яратиш учун ижодий изланиш имконияти вужудга келди. У таркибий равишда атроф архитектураси билан уйғунлашиб кетиши лозим.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети, Ёдгорликларни муҳофаза этиш жамияти, Ўзбекистон Рассомлар союзи ва Архитекторлар союзи Афғонистонда интернационал бурчини адо этган жангчи-интернационалистларга ёдгорлик ишланмаси учун очиқ республика конкурсини эълон қилдилар.

Конкурс программаси ва шартларини Маданият ёдгорликлари илмий-ишлаб чиқариш бошқармасидан, жюри масъул секретари Л. И. Кадубдан олиш мумкин [Навоий кўчаси, 30-уй, телефон: 44-64-73].

Энг яхши лойиҳалар учун қуйидаги мукофотлар белгиланган:

биринчи мукофот — 3000 сўм,
иккинчи мукофот — 2000 сўм,
учинчи мукофот — 1000 сўм,

шунингдек, 500 сўмдан учта рағбатлантирувчи мукофот берилади.

Биринчи мукофот билан тақдирланган лойиҳа муаллифларига буюртмачи белгилаган муддатларда ишланмани ниҳоясига етказиш топширилади.

Конкурсга тақдим этиладиган ишлар 1988 йил 1 июль 18.00 дан кечикмай «Ёшлар уйи»нинг Кўргазмалари залига [700011, Тошкент, «Пахтакор» кўчаси, 7-уй]га муаллифнинг шиори, лойиҳа материали топширилган муддат кўрсатилган квитанция тўлдирилиб тақдим этилиши лозим.

*Об-ҳаво ва саломатлик*

**Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг илмий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажидов таҳрири остида.**

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, шу ҳафтанинг биринчи ярмида Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан эсувчи шамол кучаяди, момақалдироқ бўлганда унинг кучи секундига 15 —20 метргача етади. Ҳаво ҳарорати кечаси 3—8, кундузи 12—17 даража атрофида бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ёғингарчилик кутилмайди, кунлар исийди. Ҳафтанинг охирига бориб, ҳаво ҳарорати аста-секин кўтарила бошлайди.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига кўра, шу ҳафтанинг биринчи ярми аввалги ҳафталардагидек, қон босими, юракнинг ишемик хасталиги, ўпка ва бўғинлар хасталиги бўлган беморларнинг ҳолатига салбий таъсир этиши мумкин. Ана шу кунларда мазкур тоифадаги беморларга об-ҳаво таъсирининг олдини олувчи чора-тадбирларни кўришда давом этиш тавсия этилади.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида об-ҳаво ижобий бўлиши кутилади. Шу кунларда об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларга чиниқиш процедураларини давом эттириш, очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш, кундалик кун тартибига риоя қилиш тавсия этилади.

